

Бош илмий-методик  
марказ

**2021**

Ўқув-услубий мажмуа

**ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИДА  
PR-МЕХАНИЗМИ**

ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИДА PR-МЕХАНИЗМИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“Таълим тизими менежменти” йўналиши учун**

**“ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИДА PR-МЕХАНИЗМИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** **Т.Шодиев** – Тошкент халқаро Вестминстер университети кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Такризчи:** **М.Маҳкамова** – ТДТУ “Менежмент” кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декабрдаги 5/4-сонли баённома)

**МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>18</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>25</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>39</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>48</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>51</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари

рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш белгиланган.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарабини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислохотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат томонидан қўйилаётган талаблар асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ушбу дастурда Олий таълим тизими менежментида олийгоҳларнинг ташқи муҳити яъни таълим олувчилар, уларнинг ота - оналари, кенг жамоатчилик, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълимни битириб чиққан кадрларга иш жойи берадиган корхона ва ташкилотлар, шунингдек оммавий воситалари билан алоқалари, мулоқоти, муносабати ўрганилади. Олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Олий таълим муассасалари миссияси, истиқболи, имиджи, мақсади, вазифалари, стратегия ва тактикалари ҳақида ахборот очиклиги муҳокама этилади. Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги муаммо ва ечимлар. Ўзбекистондаги хорижий университетларнинг филиаллари тажрибаси. PR бўлимлари фаолияти. PR-технологиялари, Университетни битирганлар жамияти, Университетлар комплекси, кластерлар ва давлат хусусий сектор шерикчилиги асосида кадрларни тайёрлаш. Меҳнат бозоридаги хорижий ва маҳаллий тенденцияларни инобатга олиш. Кадрлар тайёрлашни прогнозлаш. Рақобатбардош ва компетент мутахассисларнинг индикаторлари. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнида талабалар фикрини, битирганлар тавсиясини ва иш берувчиларнинг ҳамда ота-оналарнинг фикрини ўрганиш усуллари. Кадрлар тайёрлашдаги комплайнслар баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** курс тингловчиларини таълим менежментида PR - механизмига оид бўлган замонавий назария ва услублар, тамойиллар, амалий тажрибалар билан таништириш, иш фаолиятида уларни қўллаш

кўникмаларини шакллантириш орқали олий таълим тизимда бошқариш сифатини оширишга қаратилган маҳорат ва компетенцияларини ривожлантиришдан иборат.

#### **Модулнинг вазифалари:**

- олий таълим муассасаларида таълим менежментида PR - механизмига оид замонавий назарий ва услубий ёндашувларни, самарали жаҳон тажрибасини ҳамда республикамиздаги меъёрий-ҳуқуқий асосларини ва ҳужжатларини чуқур ўргатиш ва таҳлил этиш;

- тингловчиларнинг раҳбар ходим сифатида ўз фаолиятида илғор инновацион бошқарув усуллари қўллашда таълим менежментида PR - механизмига оид кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- тингловчиларда таълим менежментида PR - механизмдан самарали фойдаланиш, ОТМ нинг ташқи истеъмолчилар, инвесторлар, хомийлар ва оммавий воситалар, кенг жамоатчилик билан алоқаларини такомиллаштириш компетенцияларини шакллантириш.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Таълим менежментида PR - механизми” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

##### **Тингловчи:**

- таълим менежментида PR - механизмининг замонавий назария ва услубларидан воқиф бўлиш, тамойиллари ва уларнинг амалий қўлланиши бўйича жаҳон тажрибаси;

- олий таълим менежментида PR - механизмига ёндашувлар, уларнинг хусусиятлари ҳамда бошқарув жараёнига таъсир этувчи турли хил омиллар;

- олий таълим муассасалари раҳбарларини аттестацияси ва олий таълим фаолиятининг рейтингдаги кўрсаткичлар;

- олий таълим менежментида PR - механизмининг инновацион ёндашувларини жорий этиш йўллари;

- олий таълимда барча ресурсларини бошқаришга тизимли ёндашиш, уларни рағбатлантириш, фаоллигини ва яратувчанлик маҳоратини ошириш механизмлари ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

##### **Тингловчи:**

- таълим менежментида PR – механизми орқали олий таълимдаги барча ресурсларни бошқаришнинг назарий асосларини ва услубларини амалиётда самарали қўллаш



- раҳбарлик иш фаолиятида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, танлаш, ёллаш, рағбатлантириш, интеграциялашда ташқи алоқаларни инобатга олиш;

- олий таълим тизимида бошқарувда инновацион ғоя ва ишланмаларни қўллаш, муассасанинг рақобатбардошлиги ва барқарор ривожланишида жаҳон тажрибасини қўллаш;

- инсон ресурсларини режалаштириш ва прогнозлаш, истикболда кадрлар салоҳиятини оширишда таълим менежментида PR – механизмдан фойдаланиш;

- олий таълим тизимида салоҳиятли кадрларни тайёрлашда инвесторлар, корхоналар, хомийлар, жамоатчилик ва оммавий воситалардан фойдаланиш **кўникмаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- ОТМ таълим менежментида PR – механизмини қўллаш орқали олийгоҳ салоҳиятини белгилайдиган ва сифатига таъсир этадиган экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш ва улардан амалиётда тўғри фойдалана олиш;

- инсон ресурслари ва бошқа ресурсларнинг структураси ва динамикасини яхшилаш, рақобатбардош бўлишига доир муаммоларни аниқлаш;

- таълим менежментида PR - механизмига таянган ҳолда олий таълим тизимида барча ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, уни такомиллаштириш борасидаги фаолиятларда инновацияларни яратиш ва қўллаш;

- инсон ресурсларини бошқаришда вазиятли ёндашувни, конфликт ситуацияларни ечимини топиш **малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- таълим менежментида PR – механизмдан фойдаланишда ресурсларини бошқаришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни илмий асосда такомиллаштириш ҳақида хулосалар бериш;

- таълим менежментида PR – механизми усулларида фойдаланган ҳолда ўқув услубий, илмий ва тарбиявий жараёнларни такомиллаштириш;

- таълим менежментида PR - механизми концепцияси ва тамойиллари негизида инсон омилдан самарали фойдаланиш, олийгоҳнинг интеллектуал потенциалини ривожлантириш;

- олий таълимда таълим менежменти PR – механизми асосида бошқариш сифатини ошириш ва бошқарувни такомиллаштириш борасида хулосалар бериш;

- инсон ресурсларини танлаш, тақсимлаш, рағбатлантириш ва фаоллаштиришга доир самарали қарорлар қабул қилиш;

- Олийгоҳнинг бошқа ташкилотлар ва оммавий воситалар билан кенгайтириш ҳамда мутаносиблигини аниқлаш ва уни оптималлаштириш компетенцияларини эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Таълим менежментида PR – механизми” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Таълим менежментида PR – механизми” модули мазмуни ўқув режадаги “Олий таълимда инсон ресурсларини бошқариш”, “Олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари”, “Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” ва “Молиявий ўз – ўзини таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Мазкур модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим сифати менежменти асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкلامаси		
		Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	“Таълим менежментида PR – механизми” модулининг назарий услубий асослари.	2	2	
2.	Таълим тизимида pr –механизмини қўллаш муаммолари ва халқаро тажриба	2	2	
3.	Университетлар комплекси, кластерлар ва давлат хусусий сектор шерикчилиги асосида кадрларни тайёрлаш. Меҳнат бозоридаги хорижий ва маҳаллий тенденцияларни инобатга олиш. Кадрлар тайёрлашни прогнозлаш. Рақобатбардош ва компетент мутахассисларнинг индикаторлари	4		4
4.	Олий таълим муассасларида таълим сифатини таъминлаш жараёнида талабалар фикрини, битирганлар тавсиясини ва иш берувчиларнинг ҳамда ота-оналарнинг фикрини ўрганиш усуллари. Кадрлар тайёрлашдаги комплайнслар.	4		4
<b>Жами:</b>		<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР

### 1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МЕНЕЖМЕНТИДА PR – МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (2 соат)

#### Режа:

1. “Таълим менежментида PR – механизми” модулининг назарий услубий асослари. Олий таълим тизими менежментида олийгоҳларнинг ташқи муҳити яъни таълим олувчилар, уларнинг ота - оналари, кенг жамоатчилик, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълимни битириб чиққан кадрларга иш жойи берадиган корхона ва ташкилотлар, шунингдек оммавий воситалари билан алоқалари, мулоқоти, муносабати.

2. Олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш, Олий таълим муассасалари миссияси, истиқболи, имиджи, мақсади, вазифалари, стратегия ва тактикалари ҳақида ахборот очиклиги муҳокама этилади.

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг қўламли ислохотларни амалга оширамиз”.

## **2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА PR –МЕХАНИЗМИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА (2 соат)**

### **Режа:**

1. Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги муаммо ва ечимлар. Ўзбекистондаги хорижий университетларнинг филиаллари тажрибаси.

2. PR бўлимлари фаолияти. PR-технологиялари, Университетни битирганлар жамияти.

Ҳозирги даврда республика иқтисодиётининг барқарор ва жадал таракқиётини таъминлашда келажагимиз учун кенг қамровли, оқилона асосланган устувор вазифалар ва йўналишлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режа ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда шакллантирилаётган, кўпгина жабҳаларда мустаҳкамланиб бораётган янгича бозор муносабатлари узлуксиз таълим тизимига, шу жумладан, аҳоли зиёли қатламининг салмоғини оширишга, республикамиз иқтисодиётининг мустаҳкамлиги ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида фаол ва ҳалол хизмат қилувчи билимли, иқтидорли, ташаббускор юқори малакали кадрларсони ва салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган ОТМлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

### **1-МАВЗУ: КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ, БУЮРТМАЧИЛАР ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ. (4 соат)**

Университетлар комплекси, кластерлар ва давлат хусусий сектор шерикчилиги асосида кадрларни тайёрлаш. Меҳнат бозоридаги хорижий ва маҳаллий тенденцияларни инобатга олиш. Кадрлар тайёрлашни прогнозлаш. Рақобатбардош ва компетент мутахассисларнинг индикаторлари

### **2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА PR – МЕХАНИЗМИНИ ҚЎЛЛАШ ТАЖРИБАЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (4 соат)**

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнида талабалар фикрини, битирганлар тавсиясини ва иш берувчиларнинг ҳамда оналарнинг фикрини ўрганиш усуллари. кадрлар тайёрлашдаги комплайнслар.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лоyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 30 декабрь сони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 467-сонли қарори.

16. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214].

### Ш. Махсус адабиётлар:

1. Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт. Дарслик. -Т., “Фан” нашриёти. 2019.

2. Абдурахманов К.Х. Экономика труда. Теория и практика. Учебник. Москва. Издательство РЭА им.Плеханова. –М., 2019.

3. Антипов К.В. Основы рекламы. Учебник. М., Дашков и К. 2012

4. Варакута С.А. Связи с общественностью. Учебное пособие. М., Издательство Центр ИНФРА –М. 2013

5. Odegov Y.G., Zakirova N.K. The Economics of Personnel Management. Textbook. –Т., “Iqtisodiyet” publishing house. 2015. -260 pages.

6. Олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. –Т., 2013.

7. Аквазба Е.О., Ухабина Т.Е., Черемисина Е.В. Качество образования в современной образовательной организации: проблемы и перспективы // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – 5. URL: [www.science-education.ru/128-21477](http://www.science-education.ru/128-21477) (дата обращения: 28.08.2015).

8. Алексеева, Л. Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента/

Л. Н. Алексеева// Учитель. - 2004. - № 3.

9. Балацкий Е.В., Екимова Н.А. Международные рейтинги университетов: практика составления и использования // Экономика образования. – 2012.

10. Корзникова Г.Г. Менежмент в образовании. Практический курс.- М. «Академия», 2008-288 стр.

11. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.

12. Узбекистан. Модернизация системы высшего образования. Сектор по человеческому развитию. Отдел по работе со странами Центральной Азии. Региональное управление по Европе и Центральной Азии. Документ Всемирного банка. – 2014. – 156 с.

13. Armstrong, M., (2011). How to be an even better manager. Kogan Page, Philadelphia, 303 p.

14. Клейнер Г.Б. Системная парадигма и экономическая политика. Общественные науки и современность, 2007, №№ 2, 3.

14.Корнаи Я.Системная парадигма. «Вопросы экономики», 2002 г. (Корнаи, №4 .с. 10-12).

15. Нордстрем К., Ридденстрале И.Закат экономики знаний. Top – Manager, 10/01/2007.

16. Nordstrom, Kjell A., Ridderstrale, Jonas (2000). Funky Business: Talent Makes Capital Dance. (<https://books.google.com/>\_

17. Ridderstrale Jonas., Willcox Mark. Re-energizing The Corporation: How Leaders Make Change Happen. 2007.

18. Связи с общественностью (паблик релейшинз). Учебное пособие (М.И. Тимофеев). –М.,ИЦ РИОР,2019 .

19. Клейнер Г.Б. Системная парадигма и системный менеджмент. Российский журнал менеджмента. Том 6, №3,2008.

20. Климов С.М. Интеллектуальные ресурсы организации. СПб.: ИВЭСЭП, «Знание» 2002.

21. Интеллектуальный капитал – стратегический потенциал организации: Учебное пособие. Под ред. Гапоненко А.Л. и Орловой Т.М. – М.: Издательский дом «Социальные отношения», 2003.

22. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.

#### **IV. Интернет сайтлар:**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.



2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet.
5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.
6. [www.raso.ru](http://www.raso.ru). – Российская Ассоциация с общественностью.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «Блум кубиги» методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида кўйидаги сўзлар ёзилади:

- Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
- Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
- Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)
- Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
- Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
- Фикр беринг (таҳлил қилиш ва баҳолаш саволи)

2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.

3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

### “KWLH” методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича кўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

### Изоҳ. KWLH:

*Know* – нималарни биламан?

*Want* – нимани билишни хоҳлайман?

*How* - қандай билиб олсам бўлади?

*Learn* - нимани ўрганиб олдим?.

<b>“KWHL” методи.</b>	
<b>1. Нималарни биламан:</b> -	<b>2. Нималарни билишни хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b> -
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -	<b>4. Нималарни билиб олдим:</b> -

### **“W1H” методи.**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мумкин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, тахрирлаш мумкин)	

### **“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақдорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• хавфлар

### “БЕЕР” методи.

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### “Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

#### “Ассесмент” методи.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида

индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



**Тест**

**Муаммоли вазият**

**Тушунча таҳлили  
(симптом)**

**Амалий вазифа**

### “Инсерт” методи.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“√” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

##### 1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МЕНЕЖМЕНТИДА PR – МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ . (2 соат)

###### Режа:


1. “Таълим менежментида PR – механизми” модулининг назарий услубий асослари. Олий таълим тизими менежментида олийгоҳларнинг ташқи муҳити яъни таълим олувчилар, уларнинг ота - оналари, кенг жамоатчилик, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълимни битириб чиққан кадрларга иш жойи берадиган корхона ва ташкилотлар, шунингдек оммавий воситалари билан алоқалари, мулоқоти, муносабати.

2. Олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Олий таълим муассасалари миссияси, истиқболи, имиджи, мақсади, вазифалари, стратегия ва тактикалари ҳақида ахборот очиклиги муҳокама этилади.


**1. “Таълим менежментида PR – механизми” модулининг назарий услубий асослари. Олий таълим тизими менежментида олийгоҳларнинг ташқи муҳити яъни таълим олувчилар, уларнинг ота - оналари, кенг жамоатчилик, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълимни битириб чиққан кадрларга иш жойи берадиган корхона ва ташкилотлар, шунингдек оммавий воситалари билан алоқалари, мулоқоти, муносабати.**

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Бегларлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг қўламли ислохотларни амалга ошираммиз”.



“Таълим менежментида PR – механизми” модулининг асосий тамойиллари америкалик олим С.Блэк томонидан ишлаб чиқилган ва улар куйидаги слайдда келтирилган.



“Таълим менежментида PR – механизми” модули Р.Смит таъбири билан айтганда тўртта босқични бошидан кечирган. Биринчи босқич алоқа қилиш, товар ва хизматларни ташвиқот қилиш. Шунинг учун бу босқич манипуляция даври деб аталади. Иккинчи босқич ҳаққоний ахборот бериш, биртомонлама алоқа.учинчи босқич икки томонлама алоқада ишонтириш, товар ёки

хизматларни кафолотлаш даври. Тўртинчи давр ўзаро таъсир ўтказиш, зиддиятларни муҳокама қилиб бартараф этиш, икки ва ундан ортиқ алоқа ўрнатиш даври. У 20 аср охири ва 21 аср бошларига тўғри келади.

## «PR» нинг ривожланиш босқичлари (Р.Смит бўйича)

- ▶ Манупуляция даври (19 аср) ташвиқот қилиш, алоқа биртомонлама
- ▶ Ахборот бериш (20 аср боши) ҳаққоний ахборот бериш, биртомонлама алоқа
- ▶ Ишонтириш даври (20 аср ўрталари) жамоатчилик фикри ва ҳаракатига таъсир ўтказиш, икки томонлама алоқа
- ▶ Ўзаро таъсир ўтказиш даври (20 аср охиридан), ўзаро тушуниш ва низоларни бартараф этиш, икки томонлама

Проф. Турсун Шайхона



- ▶ Тўғри ташкил этилган пиарнинг хусусияти шундан иборатки, у ҳозирги эмас балки истиқболдаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган.

Масалан тижоратга, тадбиркорликка йўналтирилган пиар янги контрактлар, меморандумлар, конференциялар, давлат грантлари, хомийлар кўмагини, инвестицияларини жалб қилишга олиб келади. Университетларнинг имиджи ортади.

Проф. Турсун Шайхона


**2. Олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Олий таълим муассасалари миссияси, истиқболи, имиджи, мақсади, вазифалари, стратегия ва тактикалари ҳақида ахборот очиқлиги муҳокама этилади.**

“Таълим менежментида PR – механизми” модулида ОТМ нинг миссияси, келажаги, мақсади, вазифалари, стратегияси, тактикаси ва натижалари барча ички ва ташқи талабалар, ота оналар, инвесторлар, банк, молия, суғурта, вазирлик ва идоралар, хомийлар, ОАВ, кенг жамоатчиликка ҳаққоний ахборот узатилади. Бу ахборот университетнинг сайтида, интранетида, касаба уюшмасида яққол эълон қилинади.

Таълим тизими менежментида PR – механизмини қўллашда университетлар хорижий тажрибани қўллаши керак

- ▶ ОТМ миссияси
- ▶ ОТМ келажаги
- ▶ ОТМ мақсади
- ▶ ОТМ вазифалари
- ▶ ОТМ стратегияси
- ▶ ОТМ тактикаси
- ▶ ОТМ натижалари

## Таълим менежментининг замонавий концепцияси



ОТМ бошқаришда «Мак-Кинзи» компаниясининг «7s» -- модели қўлланилади:

- ▶ 1) стратегия;
- ▶ 2) қобилият, кўникма ва компетенция;
- ▶ 3) совместные ценности;
- ▶ 4) ташкилий тузилма;
- ▶ 5) тизим ва регламентлар;
- ▶ 6) ходимлар;
- ▶ 7) бошқарув стили.

Проф. Туркент Шайхона



Проф. Туркент Шайхона


## 2-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА PR –МЕХАНИЗМИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА (2 соат)

### Режа:

1. Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги муаммо ва ечимлар. Ўзбекистондаги хорижий университетларнинг филиаллари тажрибаси.
2. PR бўлимлари фаолияти. PR-технологиялари, Университетни битирганлар жамияти.

### **1. Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги муаммо ва ечимлар. Ўзбекистондаги хорижий университетларнинг филиаллари тажрибаси.**

Ҳозирги даврда республика иқтисодиётининг барқарор ва жадал тараққиётини таъминлашда келажагимиз учун кенг қамровли, оқилона асосланган устувор вазифалар ва йўналишлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режа ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда шакллантирилаётган, кўпгина жабҳаларда мустаҳкамланиб бораётган янгича бозор муносабатлари узлуксиз таълим тизимига, шу жумладан, аҳоли зиёли қатламнинг салмоғини оширишга, республикамиз иқтисодиётининг мустаҳкамлиги ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида фаол ва ҳалол хизмат қилувчи билимли, иқтидорли, ташаббускор юқори малакали кадрларсони ва салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган ОТМлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.



“Харакатлар стратегияси”нинг IV-бўлим, 4.4-бандида таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг вазифалари, жумладан, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; шунингдек, 8-илованинг 259-бандида: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш. ... миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олиш, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масаласини кўриб чиқиш [6] режалаштирилган. Бу вазифаларнинг босқичма-босқич, ўз вақтида ва оқилона амалга оширилиши ижтимоий соҳалардаги, жумладан, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги мавжуд ва вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қилади.

Шахснинг ақлий ва маънавий талабларини қондириш ҳамда қобилият ва иқтидорини шакллантиришда таълимнинг муҳим хусусиятларини давлат, жамият ва шахс даражасида тавсифлаш мезони қабул қилинган, яъни давлат мамлакат ақлий ва илмий салоҳиятининг ривожланиши ҳамда аҳолининг маънавий бойлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошишининг, жамият таълимнинг жамиятни тараққий эттиришга йўналтирилган дунёқараш ва ижтимоий менталитет белгилари, глобал маънавий қадриятлар шаклланиши, жамиятда билимли, олий маълумотли, маънавиятли, илмий салоҳиятли инсонлар



кўпайишининг тарафдори бўлса, шахс (инсон) таълим орқали табиат инъом этган қобилиятини ривожлантириши, ўқиш(иш)да ўзини кўрсата олиши, касби, ихтисослиги, эгаллаб турган вазифаси учун зарур бўлган билим, уқув, кўникма ва тажрибани эгаллаш эҳтиёжини қондиради. Зеро, ўқимишли инсон маърифатли бўлиши, бошқалардан бир поғона юқори туриши лозим. У қанча кўп ўқиган бўлса, бу даража шунчалик юқори бўлади.

## РЕЖА

- ▶ Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги муаммо ва ечимлар.
- ▶ Ўзбекистондаги хорижий университетларнинг филиаллари тажрибаси. (Performance Appraisal)
- ▶ PR бўлимлари фаолияти. PR-технологиялари,
- ▶ Университетни битирганлар жамияти

Проф. Эркин Шамма

Ҳозирги даврда ОТМни битириб чиқаётган юқори малакали кадрларнинг фақат умумкасбий, илмий-техникавий, назарий-амалий тайёргарликлари етарли эмас, балки улардан тафаккурларидаги мукамаллик, жамиятдаги асосий жараёнлар ва касбий ривожланиш масалаларига бефарқ бўлмаслик, ҳар қандай ҳолатда ижодий, мустақил фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги, хуллас, мамлакат, давлат, жамият ва миллат ҳаётига дахлдорлик ҳисси билан яшаш талаб қилинади. Бу борада муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев замонавий олий таълим тизимини ташкил этишнинг аҳамияти юксаклиги тўғрисида шундай дейдилар: “Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усуллари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадаги ишлар шахсан Бош вазирга юклатилган”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

## ОТМ жамоатчилик алоқалари (паблик рилейшинз)



Проф. Турган Шайхона

### Жамоатчилик классификацияси



- **ОТМ яқин жойлашган ва унинг фаолиятига қизиқувчи гуруҳлар**
- **ОТМ ходимлари, менеждерлар, ташкилотлар ва бирлашмалар;**
- **Тарихий, ҳозирги ва келгуси истеъмолчилар;**
- **ОТМ хом ашё, электроэнергия ва ускуналар етказиб берувчилар**
- **Молиявий бозор иштирокчилари, банклар, суғурта компаниялари, инвесторлар;**
- **ИТИ, ОАВ, АКТ ташкилотлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳалла фаоллари ва бошқалар**

Проф. Турган Шайхона

**Жамоатчилик классификацияси:**

- **ОТМ яқин жойлашган ва унинг фаолиятига қизиқувчи гуруҳлар**
- **ОТМ ходимлари, менеждерлар, ташкилотлар ва бирлашмалар;**
- **Тарихий, ҳозирги ва келгуси истеъмолчилар;**
- **ОТМ хом ашё, электроэнергия ва ускуналар етказиб берувчилар**
- **Молиявий бозор иштирокчилари, банклар,суғурта компаниялари, инвесторлар;**
- **ИТИ,ОАВ,АКТ ташкилотлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳалла фаоллари ва бошқалар**

## Олий таълим тизимида «PR» мақсадлари

- ▶ ОТМ фаолияти тўғрисида жамоатчилик, кадрларга буюртмачилар назарда яхши фикрни шакллантириш
- ▶ ОТМ тайёрлаётган мутахассисларнинг савияси ва ишбилармонлиги ҳақида ҳаққоний ахборотни тарқатиш
- ▶ Корхона ва ташкилотлар, давлат бошқаруви соҳасига тайёрланаётган мутахассислар ҳақида ахборотни тарқатиш
- ▶ Ўқув услубий фаолиятлар, таълим тарбия жараёни ҳақида интернет сайтларида ахборот бериш
- ▶ Бешта ташаббус доирасидаги фаолиятлар тўғрисида жамоатчиликни воқиф қилиш
- ▶ ОТ тизимида оид Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини изоҳлаш, оммага етказиш ва уларнинг ижросига ҳисса қўшиш.
- ▶ Интернет орқали маъруза, дарс бериш жараёнлари
- ▶ ОАВ даги мақолалар, ижодий кечалар ва баддий конкурслар ва ҳзо

## Олий таълим тизимида «PR» объектлари

- ▶ ОТМ, илмий тадқиқот институтлари, вазирликлар
- ▶ Талабалар, педагоглар, Индивидлар, гуруҳлар, жамоатчилик
- ▶ Ўқув услубий фаолиятлар, таълим тарбия жараёни
- ▶ Воқеалар, йиғилишлар, конференция, симпозиум ва ивентлар
- ▶ Бешта ташаббус доирасидаги фаолиятлар
- ▶ Талабалар олимпиадалари, битирув воқеалари, олимлар ва ёзувчилар билан учрашувлар
- ▶ Интернет орқали маъруза, дарс бериш жараёнлари
- ▶ ОАВ даги мақолалар, ижодий кечалар ва баддий конкурслар ва ҳзо

Проф. Эргаш Шайхона

**Пиар нинг асосий мақсади тадбиркорлар билан аҳоли ўртасида ўзаро ҳурматли муносабатларни ўрнатиш, бир бирига ишончсизликка барҳам бериш.**

- ▶ Одатда пиарнинг отаси деб америкалик журналист Айви Ли ни айтишади. 1906 йилда у пиарнинг тамойиллари ҳақида Декларация эълон қилган.
- ▶ Илгари пиар билан ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг вакиллари шуғулланган бўлса энди алоҳида пиар мутахассислари бу ишни бажаришади.

Проф. Эргаш Шайхона

## 2. PR бўлимлари фаолияти. PR-технологиялари, Университетни битирганлар жамияти.

### PR- турлари ва методлари

**PR** – асосий турларига тижорат, таълим ва сиёсий пиарларни киритиш мумкин.

Дастлаб у истеъмолчиларга йўналтирилган эди.

*Public relations, дастури корхона ва ташкилотларнинг товар ва хизматлари ҳақида ҳаққоний ахборот беришга қаратилган. Айниқса янги товарлар, университетлар янги бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очганда пиарнинг аҳамияти катта.*

*Ҳозирги кунда пиарнинг объекти сифатида потенциал инвесторлар (молияий пиар), хокимиятлар, хомийлар, мулк эгалари ва ташкилот ишчилари ҳисобланади.*

*1948 йилда Буюк Британияда пиар институти ва АҚШ да ассоциацияси тузилган*

Проф. Турсун Шайхона

### Таълим тизимида PR нинг 5 та йўналиши

- ▶ ОАВ орқали янги мутахассисликлар, бакалавр йўналишлари, ёки илмий консультация, ёшларнинг стартаплари, инновациялар ҳақида ахборот тарқатиш
- ▶ Университет ходимлари билан алоқа ўрнатиш, бажараётган ишларини сифатли ва вақтида бажаришга рағбатлантириш
- ▶ Кадрларга буюртма берувчи корхона ва ташкилотлари, хусусий мулк эгалари, давлат ташкилотлари, молиявий ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш
- ▶ Давлат бошқаруви ташкилотлари, хокимиятлар, вазирликлар ва нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш
- ▶ Маҳаллий аҳоли, маҳалла, туман аҳоли ва тадбиркорлари билан узвий алоқаларни ўрнатиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш

Проф. Турсун Шайхона

## Таълим тизими менежментида PR – механизмини қўллашда хорижий университетлар филиаллари тажрибаси (ТХВУ)

- ▶ ОТМ миссияси. Рақобатбардош кадрларни тайёрлаб учинчи ренессанснинг пойдеворини яратишга ҳисса қўшиш
- ▶ ОТМ келажаги. Жаҳондаги 1000 таликга кириш
- ▶ ОТМ мақсади. Сифатли ва компетентли мутахассисларни тайёрлаш
- ▶ ОТМ вазифалари. Ўқув тарбия жараёнини тухтовсиз такомиллаштириш, илмий тадқиқотнинг натижадорлигини таъхминлаш ва тижоратлаштириш
- ▶ ОТМ стратегияси. Диверсификация ва маркетинг ниш стратегиялари
- ▶ ОТМ тактикаси. Барқарор рақобатбардош устуворликни бой бермаслик ва вақт фойдаланиб жамоа интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини кучайтириш
- ▶ ОТМ натижалари. Таълим жараёнига замонавий педагогик ва АКТ ни узлуксиз жорий этиш, таълим сифати бўйича етакчиликни сақлаб туриш

Проф. Эуроп Шенке

## Таълим менежментида рағбатлантириш



Проф. Эуроп Шенке

Таълим менежментида PR- механизми олийгоҳларнинг миссияси, келажаги, мақсади, вазифалари, стратегияси, тактикаси ва натижалари ҳақида ошкора ахборот беради ва жамоатчилик фикрини ўрганади. **Бу масалаларни Тошкент халқаро Вестминстер университети мисолида кўриб чиқамиз.**

# IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-МАВЗУ: КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ, БУЮРТМАЧИЛАР ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ. (4 соат)

Университетлар комплекси, кластерлар ва давлат хусусий сектор шерикчилиги асосида кадрларни тайёрлаш. Меҳнат бозоридаги хорижий ва маҳаллий тенденцияларни инобатга олиш. Кадрлар тайёрлашни прогнозлаш. Рақобатбардош ва компетент мутахассисларнинг индикаторлари

Университет ичидаги жамоатчиликка университетнинг ўқув услубий, тарбиявий тизими ҳақида ахборот бериш. ТХВУ нинг Course Handbookи, ташкилий тузилмаси, талабалар кенгаши, ресурс маркази, кутубхонаси, босқичлари, ўқитиш модуллари, кредит тизими, имтиҳон ўтказиш усули ҳақида ахборот. Интранет тизими, SRS тизими ва унинг ишлаши. Хорижий тажрибани Ўзбекистон олийгоҳларпида қўллашни муҳокама қилиш. Course Handbookи барча тингловчиларга тақдим этилади ва у дискуссия қилинади.

Университетнинг пиар тизими ҳақида ахборот берилди ва кенг жамоатчиликка университет ҳақида ошкора ва ҳаққоний ахборот бериш тартиби муҳокама қилинади.

Республикамизда таълим хизматлари бозорида амалга оширилаётган туб ислохотлар олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда янги имконият яратиб бермоқда. Шунинг учун республикамизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари, айниқса, хорижий олий таълим муассасалари бошқарувида эришилган муваффақиятларни ўзлаштиришлари, бошқарувнинг замонавий усул ва шакллари қўллашлари муваффақиятга эришишларида асосий омил ҳисобланади.

#### **Таълим тизимида PR-механизмининг 5 та йўналиши маълум:**

1. ОАВ орқали янги мутахассисликлар, бакалавр йўналишлари, ёки илмий консультация, ёшларнинг стартаплари, инновациялар ҳақида ахборот тарқатиш

2. Университет ходимлари билан алоқа ўрнатиш, бажараётган ишларини сифатли ва вақтида бажаришга рағбатлантириш

3. Кадрларга буюртма берувчи корхона ва ташкилотлари, хусусий мулк эгалари, давлоат ташкилотлари, молиявий ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш

4. Далат бошқаруви ташкилотлари, ҳокимиятлар, вазирликлар ва



нодавлат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш

5. Маҳаллий аҳоли, маҳалла, туман аҳоли ва тадбиркорлари билан узвий алоқаларни ўрнатиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш

**Тингловчиларга биринчи топшириқ:**

**Юқоридаги пиар механизмини Сиз фаолият олиб бораётган олийгоҳда қандай жорий қилиш бўйича фикрингизни жамланг, мумкин бўладиган қийинчиликларни аниқланг ва қайси йўналишларни ҳозирнинг ўзида амалга ошириш мумкинлигини баҳоланг.**

Ушбу жараёнда ҳар бир ОТМнинг ихтисослашув ва миллийлик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ташқи муҳит иштирокчилари, жамоатчилиги, инвесторлар, потенциал талабалар ва уларнинг ота оналари, рақобатчи олийгоҳлар, иш берувчилар, давлат ва жамият идоралари вакиллари билан узвий алоқа ўрнатиши лозим. Ички муҳитда олий таълим муассасалари у ёки бу бошқарув концепциясини амалга оширишга тайёр турмоғи лозим. Масалан, замонавий менежмент концепциясини эгаллаш оддий расмий жараён эмас, балки олий таълим муассасалари ривожланишининг навбатдаги муҳим босқичидир. Шу боисдан Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг ҳолати ва хусусиятини инобатга олган ҳолда таълим менежментининг Пиар механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ..

**Тингловчиларга иккинчи топшириқ:**

**Курс тингловчиларига Олий таълим тизимида менежментнинг (PR) Пиар механизмини кўллаб хорижий ва маҳаллий тадқиқотларни ўрганиш натижаларига таяниб, ҳамда замонавий менежментнинг тавсифларини эътиборга олиб ўзингиз фаолият юритаётган олийгоҳ учун пиар механизмини жорий этиш сценарийсини тузинг.**

## Олий таълим менежментининг Пиар механизмидаги тавсифлар.

<b>Қараб чиқиладиган соҳа</b>	<b>Стратегик бошқаришнинг атрибутлари</b>
<b>Бошқариш мўлжали</b>	узоқ келажакда муассасанинг яшаб қолиш (ҳаётийлик цикли) мўлжали ва мақсадга эришиши; менежментнинг олий таълим муассасалари ташқарисидаги имконияти, мижозлар (олий таълим муассасалари фаолияти билан қизиқувчилар) сўровига асосий эътибор қаратиши; замонавий бошқарувга асосланган олий таълим муассасалари ғояларини сақлаб қолган ҳолда раҳбариятга вазифанинг мақсади ва воситаларини танлашни таклиф этиши.
<b>Стратегия моҳияти ва мазмуни</b>	муассаса ривожланишининг танланган узоқ муддатли сифатли йўналиши; йўналишларни танлаш, фойдаланиш воситалари, салоҳият ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга эришиш фаолияти; олий таълим муассасалари қайси соҳада фаолият юритаётганлиги ёки юритмоқчи эканлигини аниқлаш учун асосий мақсадлар, йўналишлар, муҳим режалар ёки дастурларни танлаш.
<b>Амалга ошириш жараёни</b>	муассаса олдига қўйган мақсадга эришиш ва стратегияни амалга ошириш учун асос яратади. Бунда муассасанинг стратегияни амалиётга татбиқ этишга тайёр ҳолдаги фаолиятида замонавий ўзгаришлар қилишни ташкил этишдир.
<b>Бошқариш самарадорлиги мезони</b>	олий таълим муассасаларининг ташқи муҳитдаги ўзгаришларга самарали мослашишидаги имкониятлар.
<b>Ходимларни бошқаришга ёндашув</b>	ишловчиларга ишни ташкил этишнинг асоси сифатида қараш.
<b>Бошқариш объекти ўзгариши тавсифи</b>	замонавий қарор асосида узоқ муддатли ва тузатиб бўлмайдиган асоратларни ўз ичига олган объект фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун олиб бориладиган ишлар энг муҳим аҳамият касб этади.

<b>Ташқи муҳит шарти</b>	юқори ноаниқлик даражасини тавсиф этади.
<b>Стратегик қарорлар кўлами</b>	олий таълим муассасалари стратегияси асосида ётадиган қарор таълим хизматлари базаси, салоҳияти, хизмат кўрсатиш салоҳиятлари ривожланишига тааллуқлидир.

Юқоридаги муҳим вазифаларни бажариш учун бошқариш объекти ташқи таъсирларни, таваккалчиликларни ҳисобга олиши, ташқи муҳитдаги нобарқарор ҳолат келтириб чиқарадиган ҳар қандай ўзгаришга қарор қабул қилувчи тайёр турмоғи лозим.

Таълим менежментида Пиар механизмининг вазифаси олийгоҳнинг барқарор рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат.

#### **Тингловчиларга учинчи топшириқ:**

Рақобатбардошликни таъминлаш бўйича барча ҳаракатлар мажмуасини мувофиқлаштирувчи орган сифатида маркетинг бўлиmidан фойдаланиш ва унга тегишли функцияларни бажаришни ишониб топшириш, бу борада олий таълимнинг бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш ва ОТМнинг ўз рақобатбардошлигини баҳолаш, унинг даражасини қўллаб-қувватлаш ёки ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, олинган натижаларни мониторинг қилиш назарда тутилган.

**Олий таълим муассасалари рақобатбардошлик мезонлари ва кўрсаткичлари.**

<b>Рақобатбардошлик мезонлари</b>	<b>Рақобатбардошликни тавсифловчи кўрсаткичлар</b>
<b>Олий таълим бозорида рақобат муҳити</b>	Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти: - ижтимоий-демографик муҳит; - иқтисодий-технологик муҳит; - норматив-ҳуқуқий муҳит.
	Олий таълим бозорида ОТМ муваффақиятлари: - ОТМ рейтинги; - ОТМ эгаллаб турган бозор улуши.
<b>ОТМнинг рақобат мавқеи</b>	ОТМнинг ишбилармонлик нуфузи: - кўп поғонали тайёргарлик тизими ривожланганлиги; - ўқитиш жараёнининг сифати; - профессор-ўқитувчилар таркиби сифати; - ресурслар таъминоти сифати; - илмий-тадқиқотчилик фаолияти ривожланганлиги.
	ОТМ фаолиятини ижтимоий баҳолаш: - ОТМ ижтимоий фаоллиги; - ОТМ фаолиятининг жамиятда тан олинishi.
<b>Таълим хизматлари рақобатбардошлиги</b>	Таълим хизматлари сифати: - таълим хизматлари истеъмолчиси сифати; - таълим хизматлари ишлаб чиқарувчиси сифати.
	Таълим хизматларини тақдим этиш жараёнининг ташкилий таъминоти.
	Таълим хизматларининг очиқлиги.
<b>Битирувчилар рақобатбардошлиги</b>	Ихтисослик рақобатбардошлиги: - ОТМда олинган ихтисосликнинг ижтимоий мавқеи; - ОТМда олинган ихтисосликнинг муҳимлиги.
	Битирувчилар касбий тайёргарлик рақобатбардошлиги: - касбий фаолият йўналишларини танлашда имкониятлар доираси; - касбий ваколатларни шакллантиришни таъминлайдиган битирувчилар шахсиятининг сифати; - битирувчиларнинг касбий таёргарлик сифати; - битирувчилар эҳтиёжлари ва сўровларини қондиришнинг тўлақонлиги.
	Битирувчиларга бўлган талаб даражаси.

Тингловчилар юқоридаги рақобатбардошлик мезонларидан келиб чиқиб ўзи фаолият юритаётган олийгоҳнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаши ва унинг кичик гуруҳда муҳокама қилишга олиб чиқиши лозим. Натижалар кейс стади тариқасида муҳокама қилинади ва пиар тизимининг замонавийлигига баҳо берилади.

## **2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА PR – МЕХАНИЗМИНИ ҚЎЛЛАШ ТАЖРИБАЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (4 соат).**

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнида талабалар фикрини, битирганлар тавсиясини ва иш берувчиларнинг ҳамда оналарнинг фикрини ўрганиш усуллари. кадрлар тайёрлашдаги комплайнслар.


**Олий таълим муассасаларида PR –механизмини қўллаш тажрибалари.** Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг 2030 йилларгача мўлжалланган стратегиясидаги устувор йўналишлар...

Республикамизда таълим хизматлари бозорида амалга оширилаётган туб ислохотлар олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда янги имконият яратиб бермоқда. Шунинг учун республикамизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари, айниқса, хорижий олий таълим муассасалари бошқарувида эришилган муваффақиятларни ўзлаштиришлари, бошқарувнинг замонавий усул ва шакллари қўллашлари муваффақиятга эришишларида асосий омил ҳисобланади.

### **Тингловчиларга биринчи топшириқ:**

Қуйидаги чизмада Тошкент халқаро Вестминстер университетининг ташкилий тузилмаси келтирилган. Уни олий таълим менежментида пиар механизмини жорий этилганлиги нуқтаи назаридан таҳлил этинг ва қисқача бу тажрибанинг қайси жиҳатларини Сиз фаолият олиб бораётган университет ёки институтда жорий этишини аниқланг.

Westminster International University in Tashkent - Organizational structure



### Тингловчиларга иккинчи топшириқ.

Ҳурматли Президентимизнинг Мурожаатномасидаги олий таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, учинчи ренессансни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб Сиз фаолият олиб бораётган ОТМ нинг миссияси, келажаги, мақсади, вазифалари, стратегияси, тактикаси ва натижаларини аниқланг ва уни презентация шаклида тайёрланг.

Олий таълим муассасаларида таълим менежментида PR- механизми олийгоҳларнинг миссияси, келажаги, мақсади, вазифалари, стратегияси, тактикаси ва натижалари ҳақида ошқора ахборот беради ва жамоатчилик фикрини ўрганади.

**Бошқарув стратегияси** бешта бир-бирига боғлиқ масалани ҳал этишга асосланади:

1. *Корхона ёки ташкилотнинг миссияси.* Ташкилот бажариши лозим бўлган стратегик кўра билишни, ҳаракат узоқ муддатли йўналишини ва аниқ вазифани шакллантириш.

2. Стратегик кўра билиш ва зиммадаги вазифани аниқ мақсад ва

топширикқа айлантириш.

3. Мақсадлар ва вазифаларга эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

4. Бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш. Қабул қилинган стратегияни малакали ҳамда самарали тадбиқ этиш ва амалга ошириш.

5. Иш натижаларини баҳолаш, янги йўналишларни ўрганиш ва ривожланишнинг узоқ муддатли йўналиши, стратегия мақсадлари ёки амалдаги тажрибага асосан уни амалга ошириш усуллари, ўзгарувчан шароитлар, янги ғоялар ва имкониятларга нисбатан тўғриловчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш.



# V. ГЛОССАРИЙ



## V. ГЛОССАРИЙ.

**Таълим менежментида PR – механизми модули бўйича глоссарий**

**Консенсус** – бу қарорларни ишлаб чиқиш жараёнида барча бахсли масалалар вав турли-туман фикрлар юзасидан бир битимга келиш ёки келишишдир.

**Келишув** – бу низоли ҳолатда муваффақиятли чиқишнинг энг муҳим шарти- бу муроасага кела олишлиқдир.

**Коммуникация** – бу кишилар ўртасидаги узаро ахборот алмашувидир.

**Интизомий жавобгарлик** – бу хизмат бурчларини бузиш, суъистемол қилиш натижасида келиб чиқади.

**Лавозим** – бу корхона, муассаса, идора ва ташкилотларда бирор расмий хизматни бажариш билан боғлиқ бўлган вазифа.

**Мотивлаштириш** – бу рухий омил бўлиб, шахс фаолиятининг манбаи, сабаби, далили ва ҳар хил эҳтимолларидир. У ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи кучли воситадир.

**Мезон** – бу такқослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза. Масалан, меҳнат – киши кадр-қимматининг мезонидир.

**Низо** – бу раҳбар, ишчи ва бошқа ходимлар орасида муайян масалаларни ҳал қилишда томонларнинг бир-бири билан бир ечимга кела олмаганлиги туфайли вужудга келадиган вазиятдир.

**Обру** – бу ҳамма томонидан тан олинган ҳамда меҳнат эвазига орттирилган, раҳбар учун зарур ишонч ва қалқондир.

**Психология** – инсоннинг рухиятини, ўрганувчи фандир. Инсон рухиятига эса сезиш, идрок этиш, тасаввур, тафаккур, таассуф жараёнлари, хотира, диққат, эътибор, ирода, шунингдек инсон шахсининг рухий хусусиятлари, чунончи, қизиқиш, қобилият, феъл-атвор ва мижоз киради.

**Структура** – лотинча сўз бўлиб, нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашиши, тузилишини билдиради.

**Стратегия** – грекча «стратегос» иборасидан олинган бўлиб, «генерал санъати» маъносини билдиради.

**Стресс** – инглизча сўздан олинган бўлиб, асабийлик, кескинлик деган маънони англатади.

**Услуг** – бу ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йул, усул маъносини англатади.

**Фазилат** - бу ижобий ҳислат, яхши сифат ёки хусусиятдир.

**Қарор** – бу бажарилиши мумкин бўлган ишнинг аниқ йулини танлаб олишдир.

**Қарор қабул қилиш** – мавжуд ҳолатнинг бўлиши лозим бўлган ҳолат билан мос тушмаслиги натижасида юзага келади.

**Индивидуаллик** – шахснинг биоижтимоий хусусиятлари, унинг такрормаслиги.

**Мансаб** — профессионал ўсиш, хизмат поғонасида кўтарилиш, ижтимоий тан олинис.

**Жамоа** – умумий мақсадларга эришиш, ташкилотчилиги ва шахслар орасидаги муносабатлар ривожига бўйича барқарор ижтимоий гуруҳ.

**Шахс** — ўзлигини ифода этувчи, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон

**Маркетинг** – бозор иқтисодиётида савдо, банк фаолияти, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этиш ва бошқариш тизими.

**Таълим менежери** — профессионал ташкилотчи, таълим соҳасида ишбилармон ташкилотчи инсон.

**Менежмент** — таълимни бошқариш.

**Миссия** — олий таълим муассасасининг жамиятдаги аҳамияти.

**Қизиқиш** — инсон фаолиятининг натижаси, ҳаракатнинг ички асоси.

**Стратегияни амалга ошириш** — бошқаришни амалга оширишнинг чора ва тадбирлари, уни бажариш ва натижага эришиш йўллари.

**Стил** - усул, тиргак .

**Рағбат** – инсон психикасига ташқи таъсир, унинг натижасида ҳаракат қилишга қизиқиш ҳосил бўлади.

**Стратегик режа** – қисқа ва узок муддатли мақсадлар ва стратегияларнинг амалий кўриниши.

**Стратегик кўрабилиш** – олий таълим муассасасининг келгувси истиқболининг йўналишлари.

**Стратегия** – раҳбариятнинг ташкилот мақсадига эришишдаги ҳаракатлар мажмуаси.

**Меҳнатга иш ҳақи фонди** – ишчи ва ходимларга тўлаш учун ажратилган пул маблағлари.

**Мақсад** — фаолият натижаларининг олдиндан ифодаланиши.

**Инсон** — ижтимоий соҳада уникал имкониятларга эга бўлган биологик жонзод.

**Инсоншунослик**—шахснинг тараққиёти, фаолиятини оптималлаштириш, ҳартомонлама камол топтириш ҳақидаги назарий, амалий, антропологик, табиий, гуманитар ва бадиий билимлар тизими.

**Эмоция** — инсонга ташқи ва ички таъсирлар натижасида унинг психологик ёки қалбий кечинмалари (ғазаб, кўркув, хурсандчилик ва ҳ.з.о.).

**Этика** — ахлоқ тўғрисидаги фан.

**Мулоқот этикаси** – инсонларга яхши муносабатда бўлиш, қоида ва усуллари, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

# VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 30 декабрь сони.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10

январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 467-сонли қарори.

21. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214].

### Ш. Махсус адабиётлар:

23. Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт. Дарслик. -Т., “Фан” нашриёти. 2019.

24. Абдурахманов К.Х. Экономика труда. Теория и практика. Учебник. Москва. Издательство РЭА им. Плеханова. –М., 2019.

25. Антипов К.В. Основы рекламы. Учебник. М., Дашков и К. 2012

26. Варакута С.А. Связи с общественностью. Учебное пособие. М., Издательство Центр ИНФРА –М. 2013

27. Odegov Y.G., Zakirova N.K. The Economics of Personnel Management. Textbook. –Т., “Iqtisodiyet” publishing house. 2015. -260 pages.

28. Олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. –Т., 2013.

29. Аквазба Е.О., Ухабина Т.Е., Черемисина Е.В. Качество образования в современной образовательной организации: проблемы и перспективы // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – 5. URL: [www.science-education.ru/128-21477](http://www.science-education.ru/128-21477) (дата обращения: 28.08.2015).

30. Алексеева, Л. Н. Инновационные технологии как ресурс эксперимента/ Л. Н. Алексеева// Учитель. - 2004. - № 3.

31. Балацкий Е.В., Екимова Н.А. Международные рейтинги университетов: практика составления и использования // Экономика образования. – 2012.

32. Корзникова Г.Г. Менеджмент в образовании. Практический курс.- М. «Академия», 2008-288 стр.

33. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Т.: “Молия” нашриёти, 2002 й. 184 б.

34. Узбекистан. Модернизация системы высшего образования. Сектор по человеческому развитию. Отдел по работе со странами Центральной Азии.

Региональное управление по Европе и Центральной Азии. Документ Всемирного банка. – 2014. – 156 с.

35. Armstrong, M., (2011). How to be an even better manager. Kogan Page, Philadelphia, 303 p.

36. Клейнер Г.Б. Системная парадигма и экономическая политика. *Общественные науки и современность*, 2007, №№ 2, 3.

14. Корнай Я. Системная парадигма. «Вопросы экономики», 2002 г. (Корнай, №4 с. 10-12).

37. Нордстрем К., Ридденстрале И. Закат экономики знаний. *Top – Manager*, 10/01/2007.

38. Nordstrom, Kjell A., Ridderstrale, Jonas (2000). *Funky Business: Talent Makes Capital Dance*. (<https://books.google.com/>).

39. Ridderstrale Jonas., Willcox Mark. *Re-energizing The Corporation: How Leaders Make Change Happen*. 2007.

40. Связи с общественностью (паблик релейшинз). Учебное пособие (М.И. Тимофеев). – М., ИЦ РИОР, 2019.

41. Клейнер Г.Б. Системная парадигма и системный менеджмент. *Российский журнал менеджмента*. Том 6, №3, 2008.

42. Климов С.М. Интеллектуальные ресурсы организации. СПб.: ИВЭСЭП, «Знание» 2002.

43. Интеллектуальный капитал – стратегический потенциал организации: Учебное пособие. Под ред. Гапоненко А.Л. и Орловой Т.М. – М.: Издательский дом «Социальные отношения», 2003.

44. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.

#### IV. Интернет сайтлар:

22. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

23. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

24. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

25. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet.

26. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

6. [www.gaso.ru](http://www.gaso.ru). – Российская Ассоциация с общественностью.